

- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);
 - жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
 - мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар сугурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).
 - банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;
- 7.4. Сугурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.
- 7.5. Сугурта товонини тўлаш сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кuni мобайнида амалга оширилади.

8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Сугурта қилдирувчи зарар етказган шахсга (сугурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган сугурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

- а) мазкур шахснинг касди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;
- б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан маътик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идроқига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;
- в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;
- г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
- д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий сугурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий сугурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шарт билан мажбурий сугурта шартномаси тузилганда);
- е) сугурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий сугурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий сугурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарт билан мажбурий сугурта шартномаси тузилганда).


8.2. Бунда сугурталовчи мазкур шахсдан сугурта ҳодисасини кўриб чиқинда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда сугурталовчи ва сугурта қилдирувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бўйича жавобгар бўладилар.

9.2. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, музокаралар ҳал бўлмаган тақдирда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Сугурталовчи: «MY-INSURANCE» МЧЖ СК Ғаллаорол филиали Манзил: Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Мустақиллик кўчаси, 17 уй тел: (94) 196 26 25 х/раками: 2020 8000 9047 8606 6001 Миллий банк Саёҳат филиали Банк коди 00905, ИНН 207 002 342, ОКОНУ 0620 Сугурталовчи номидан: Жаббаркулов Ж. (ИМЗО) 	Сугурта қилдирувчи: Тел: Сугурта қилдирувчи номидан: (Ф.И.Ш.) м.ў.   (ИМЗО)
--	--

